

**Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT» аудиторлик**

ТАШКИЛОТИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси.30-уй.

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Тошкент ш. филиали МФО 00987, Х/р. 20208000904368607001 СТИР: 205311743, ОКОНХ 84400
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 ноябрь кундаги 00737-сонли лицензиясига эга.

**Салбий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен Худойбердиев Бахтиёр Тангирович Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 25- октябрдаги № 05260 сонли малака сертификатига эга) томонидан хўжалик юритувчи субъект “Муборакнефтгазтранс” АЖнинг Молиявий ҳисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи)дан иборат 2017 йил ҳисобот даври учун 31.12.2017 йил ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз “Муборакнефтгазтранс” АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия балансида бюджет олдидаги дебитор қарздорлик 948744,0 минг сумга курсатилган, амалда эса мазкур қарздорлик 65815,0 минг сумни ташкил этади фарк 882929,0 минг сум. Молиявий ҳисоботларда иш хақи харажатлари 1225493,0 минг сум курсатилган амалда эса 1371374,0 минг сум, фарк 145881,0 минг сум, ишлаб чиқариш моддий харажатлари молияви ҳисоботларда 1053528,0 минг сум курсатилганан амалда эса 1435470,0 минг сум, фарк 381942,0 минг сумни ташкил этади. Бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида “Муборакнефтгазтранс” АЖнинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттирмайди.

МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:

27.04.2018 йил



К.И.Тураев.

Б.Худойбердиев.